

633.51  
Ш-306  
А.ШАФРИН, З.МАКСУДОВ, Ф.БОБОЖОНОВ

**ҒЎЗА  
СЕЛЕКЦИЯСИ  
ВА  
УРУҒЧИЛИГИ  
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
ҚИСКАЧА ТАРИХИ**



А. ШАФРИН, З. МАҚСУДОВ, Ф. БОБОЖОНОВ

633.51 (09)  
III 306

ЎЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ  
ВА УРУҒЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Ду 20.02.73.

БИБЛИОТЕКА  
Сам. СХИ  
г. Самарканд

№ 34

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг  
Бирлашган нашриёти  
Тошкент—1968

633.51

Ш31

Шафрин А. ва бошқ.

Ўза селекцияси ва уруғчилиги тараққиётининг қисқача тарихи. Т., Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1968.

32 бет.

Сарлавҳа олд. авт.: А. Шафрин, З. Мақсудов ва Ф. Бобо-  
жонов.

1. 2. соавт.

Шафрин А. и др. Краткая история развития селекционно-семеноводческой работы с хлопком.

633.51

Ғўза қишлоқ хўжалигида энг муҳим ва энг қадимий ўсимликлардан ҳисобланади. Ҳиндис-тонда бу экин эрамиздан 5 минг йил илгари ҳам экиларди. Ўрта Осиёда эса эрамиздан 2 минг йил аввал ҳам маълум бўлган.

Толани чигитдан ажратишни анча осонлаштирадиган машина ихтиро этилгандан кейин (1793 йили), XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида пахтачилик кенг тараққий эта бош-лади.

XX асрнинг ўрталарига келиб, барча хил тўқимачилик хом ашёлари ичида пахта толаси 50 процентдан ҳам кўпроқ миқдорни ташкил этди, қолган 50 процентни эса луб толалари (зиғир, каноп, жут), жун, ипак ва сунъий толалар ташкил қилди. Сунъий тола ва ипак ишлаб чиқариш қанчалик кўпайишига қарамасдан, тўқимачилик саноатида пахта толаси ўз устунлигини сақлаб бормоқда.

Пахта толаси сунъий толаларга нисбатан кўпгина афзалликларга эгадир. Бир қатор буюмлар ишлаб чиқаришда унинг ўрнини ҳеч қандай тола боса олмайди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 50 мамлакатаида ғўза экилади, ва дунё бўйича пахта етиштириш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ёш социалистик мамлакатларда ва Осиё ҳамда Африканинг тараққий этиб бораётган давлатларида пахта етиш-

тириш асосан экин майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўпайиб бормоқда.

Совет Иттифоқида пахта етиштириш жуда тез суръатлар билан ўсмоқда. Агар 1913 йилда Россияда 740 минг тонна пахта етиштирилган бўлса, 1966 йили Совет Иттифоқининг барча пахтакор республикалари бўйича 6 миллион тонна пахта тайёрланди. Бу 1913 йили етиштирилган пахтадан 8 барабар ортиқдир. Партия XXII ва XXIII съездлари томонидан ишлаб чиқилган халқ хўжалиги планига мувофиқ 1980 йилга бориб Совет Иттифоқида 10—11 миллион тонна пахта етиштирилиши керак.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва тола-нинг техникавий хусусиятини яхшилашда навлар алоҳида аҳамият касб этадилар.

Барча ғўза навлари турларга группаланади. Дунё бўйича пахта етиштиришда ғўзанинг бешта маданий туридан фойдаланилади. Улар ўзларининг келиб чиқишлари билан иккита катта мустақил группага: Янги дунё пахтаси ва Эски дунё пахтасига бирлашади. Бу икки группа ғўза ўсимликлари ўзининг морфологик, биологик ва хўжалик белгилари билан бир-бирларидан жуда кескин фарқ қилади.

Янги дунё маданий ғўзаси учта мустақил турни ташкил этади: **госсипиум хирзутум, госсипиум барбадензе ва госсипиум трикуспидатиум.**

Улардан энг кўп тарқалгани ва асосийси — **госсипиум хирзутум** ҳисобланиб, у пахтачиликда асосий майдонларни ишғол этади. Совет Иттифоқида бу навнинг турлари Совет ўрта толали навлари деб аталиб, уларга ҳозир районлаштирилган асосий навлар — 108Ф, 138Ф, С4727, 153Ф ва бошқалар кирадилар.

Янги дунёнинг иккинчи тур гўзаси — **госсипиум барбадензе** бўлиб, унинг толаси узун, ингичка ва пишиқдир. Шу жиҳатдан у дунёда энг яхши тола берувчи гўза ҳисобланади.

Бу тур гўза Жанубий Америкада, Бирлашган Араб Республикасида, Совет Иттифоқида ва бошқа баъзи жанубий мамлакатларда экилади. **Госсипиум барбадензе** Бирлашган Араб Республикасида энг кўп экилади. У ерда бу турнинг жуда кўп группа навлари вужудга келтирилган бўлиб, улар «Миср пахтаси» деб аталади. Совет Иттифоқида бу тур гўзалар ўттизинчи йилларда ўзлаштирилган бўлиб, улар Совет ингичка толали навлари—5904-И, С-6002, 5595-В, 8763-И, 9123-И ва бошқалардан иборат.

**Госсипиум трикуспидатиум** фақат Американинг тропик районларида озгина майдонларда ўстирилади.

Эски дунё гўзалари — **госсипиум арбореум** ва **госсипиум хербацеум** фақат Осиё ва Африка мамлакатларидагина ўстирилади. Улардан биринчиси (**госсипиум арбореум**) энг кўп тарқалган бўлиб, у ўзининг чиқиб келган жойига қараб Ҳинди-Хитой гўзаси деб аталади. Бу гўза Ҳиндистонда, Покистонда, Ҳинди-Хитойда, Хитойда кўплаб ўстирилади.

**Госсипиум хербацеум** қадимдан Ўрта Осиёда ўстирилиб, «гўза» номи билан аталар эди. Ҳозир бу тур гўза Туркия, Афғонистон, Эрон, Хитой, Ҳиндистон ва Ҳинди-Хитойда ўстирилади.

Эски дунё гўзасининг ҳар икки тури ҳам ҳосилдорлик ва пахта толасининг сифати жиҳатидан Янги дунё гўзасидан орқада туради.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганга қадар бизда эски дунё гўзаси — **госсипиум хербацеум** экиларди. У кам ҳосилли бўлиб, кўсагининг

оғирлиги 2—3,5 грамм, толаси дағал, узунлиги 18—26 миллиметр, тола чиқиш миқдори 25—30 процентдан иборат. Бундай тола тўқимачилик саноатининг талабини мутлақо қондира олмасди. Шунинг учун ҳам тўқимачилик саноати чет эллардан келтириладиган толани ишлашга мажбур эди.

Шунга кўра, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Америка Қўшма Штатларидан чигит келтиришга ҳаракат қилинди. Аммо бу ҳаракат муваффақиятсиз чиқди. Чунки бизда пахтачилик бўйича мутахассислар мутлақо йўқ эди. Шу билан бирга келтирилган навлар Ўрта Осиё шароитига ҳеч бир тўғри келмайдиган жуда кеч пишар **Сиайленд** типли ғўза чигитларидан эди.

Бундан бирмунча кейинроқ, анча тез пишар — **кинг, руссельс, кливленд** ва бошқа навлар келтирилди. 1884 йили Тошкент атрофида 300 десятина (ботмон) майдонга Америка навлари экилди. Мана шу даврдан бошлаб «ғўза»ни америка навлари аста-секин сиқиб чиқара бошлади.

Дунёнинг турли мамлакатларидан чигитлар келтириш плансиз равишда олиб борилад, уруғликлар олибсотарларга, деҳқонларга сотилад эди.

Турли нав ғўзаларнинг ҳосили пахтачилик фирмалари томонидан сотиб олиниб, улар пахта тозалаш заводларида бир-бири билан аралаштириб юборилад эди. Мана шундай қилиб, четдан сотиб олиб келтирилган навлардан «завод аралашмаси» деб аталадиган маҳаллий нав аралашмаси вужудга келди. Булар ўстирилган жойларига қараб алоҳида маълум аломатлар билан ажралиб турардилар.

Завод аралашмасининг энг тез пишари Чимбойда эди (Қорақалпоғистоннинг шимолида). Бу завод аралашмалари гўзага нисбатан анча серҳосил эдилар. Тола сифати яхши, узунлиги 25—28 миллиметр, тола чиқиш миқдори 28—32 процент, битта кўсакдаги пахтанинг вазни 4,0—5,0 грамм келарди.

Подшо ҳукуматининг турли гўза навларини давлат уруғчилик плантацияларида кўпайтиришга уринишлари яхши натижа бермади. Чунки бу уруғчилик майдонлари жуда ҳам кичкина (оз) эди.

Революцияга қадар Россияда пахтачилик бўйича илмий селекция ишларининг бошланиши 1909—1910 йилларга тўғри келади. Мана шу йилларда Тошкент яқинида Туркистон тажриба станцияси (ҳозирги Шредер номидаги узумчилик, мевачилик ва виночилик институти) Андижон ва Мирзачўл тажриба станциялари ташкил этилди. 1913 йили Пахтали кўлда (Наманган яқинида) Фарғона селекция станцияси ташкил қилинди. Бу станциялар Америка Қўшма Штатларидан, Мисрдан ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан келтирилган гўзаларнинг биологияси ва агротехикасини, шунингдек, навларни ўрганиш соҳасида катта ишлар қилдилар. Мана шу станцияларда ўзимизнинг биринчи гўза навларимиз яратилди.

Ватанимизда пахтачилик селекциясига биринчи бор асос солган олимлар Рихард Рихардович Шредер, Михаил Михайлович Бушуев, Гаврил Семенович Зайцев, Евгений Львович Навроцкийлар ҳисобланадилар. Улар мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантириш учун жуда кўп куч сарф қилдилар, ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлган яхши навларни яратдилар ва пахта-

чилик бўйича жуда бой илмий мерос қолдирдилар.

Революцияга қадар тажриба станциялари томонидан чиқарилган — Навроцкий, 508 (Ботир), 182 (Оқ Жўра), 169 (Деҳқон) навлари, ўша вақтда уруғчилик ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги туфайли кенг тарқала олмади.

Деҳқонларга бериладиган уруғлик чигит биринчи йилиёқ маҳаллий чигитларга қўшилиб кетиб ифлосланар ва улардан олинган уруғлик экишга ярамай қоларди.

Ҳосилдорликни оширишнинг, айниқса, тола сифатини яхшилашнинг муҳим факторларидан бири ҳисобланган селекция-уруғчилик ишлари Улуғ Октябрь революциясидан кейингина гуркираб ўсди.

Совет Иттифоқи селекция-уруғчилик ишларининг ривожланиш тарихи бутун пахтачиликнинг ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

1920 йилнинг 24 декабрида В. И. Ленин томонидан имзоланган декретни бажариш мақсадида 1922 йили Тошкентдан 10 километрлик масофада Туркистон селекция станцияси ташкил этилди (ҳозирги Пахтачилик селекцияси ва уруғчилик институти). Станциянинг директори қилиб Г. С. Зайцев тайинланди. Станция раҳбарлигида революциягача мавжуд бўлган ғўза навлари чигитларини тўплаш ва кўпайтириш соҳасида жуда катта ишлар қилинди. Шу билан бир вақтда, 1922 йилдан бошлаб завод аралашмаси ва ғўза чигитларини Навроцкий, 169 (Деҳқон), 182 (Оқ Жўра) ва бошқа янги навлар билан алмаштиришга киришилди.

Навроцкий нави жуда ҳам кенг тарқалди (1 миллион гектаргача). Завод аралашмасига нис-

батан унинг ҳосили 15—20 процент, тола чиқиши эса 2—3 процент ортиқ эди. Бу нав парвариши кам талаб қилиши, кўсагининг жуда ҳам катта бўлиши (5,5—6,5 грамм) тола беришининг кўплиги (34—35 процент) билан ажралиб турарди. Аммо толаси дағал ва қисқа эди (26—28 миллиметр).

Совет пахтачилигининг ривожланишида бу нав катта роль ўйнади.

Жуда ҳам эрта пишар 169 ва 182 навлари шимолӣ ва тоғ этаклари районларида экилар эди.

Йигирманчи йилларнинг охирига келиб 1306 (Шредер), 2017 (Ким), 2034 (Большевик), 1838 ва бошқа селекция навлари яратилди ва деҳқон далаларига кенг тарқатила бошлади.

Ўша вақтда пахтачиликнинг тез тараққий этиши илмӣй текшириш ишларини кучайтириш ва кенгайтиришни, айрим табиӣй зоналар талабига жавоб берадиган янги гўза навлари яратишни талаб этар эди. Мана шуларга кўра 1924 йили пахтачилик комитети навларни синаб кўришнинг кенг тармоқларини ташкил этди. Улар то 1934 йилгача Туркистон селекция станциясининг қарамоғида бўлди, 1934 йили эса Республика Ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрига берилди.

Селекция навларини кўпайтириш мақсадида 1924 йили уруғчилик хўжалиги трести ташкил этилди. Бу трест барча давлат уруғчилик хўжаликларини, Туркистон селекция станциясининг барча филиаллари ва навларни синаш участкаларини бирлаштирди.

1925 йили Пахтали кўлдаги (Наманганга яқин жойда) собиқ Фарғона селекция станцияси база-сида Туркистон селекция станциясининг Фарғона

бўлими очилди. Шу билан бир вақтда Урганчда Хоразм филиали ва Байрамалида Туркменистон филиаллари ҳам ташкил этилди.

1929 йили Тожикистон ва Қорақалпоғистон, 1930 йили Фарғона тажриба станцияси (ҳозирги Андижон тажриба станцияси) ташкил этилиб, уларда селекция бўлимлари ҳам очилди.

Ўза экинлари майдонлари устидан назорат қилиб туриш ва энг ҳосилдор пахта чигитини уруғликка ажратиш мақсадида 1925 йили баъзи пахта тозалаш заводларида агроном штатлари ҳам таъсис этилди.

Шу билан бир вақтда, Туркистон селекция станциясида контроль-уруғчилик бўлими ташкил этилиб, унга селекционер Ф. М. Мауэр бошчилик қилди.

Бу бўлим пахта заводларидаги агрономлар орқали уруғлик чигит намуналарини танлаш, уларни экиш методларини ва нав сифатларини аниқлаш сингари ишлар билан шуғуллана бошлади. Натижада контроль-уруғчилик бўлими пахта заводлари агрономлари орқали ҳосилдор пахтанинг уруғлик чигитларини танлашнинг аста-секин кўпайиб боришига ўз таъсирини ўтказди.

Бироқ, сархил нав уруғлик чигитлари кўпайтирилгани билан махсус уруғчилик тадбирлари бўлмаганидан, уруғликлар аста-секин ифлосланиб, сифати ёмонлаша бошлади.

Чигитнинг навини яхшилаш мақсадида 1925 йилдан бошлаб экиш олдидан уруғликни қўлда тозалаш мажбурияти киритилди. Бунда—қора, тамом деярли туксиз (қора чигит) ва кўк чигитлар ажратиб олинар эди. Чигитларни шу тариқа тозалаб экиш барча хўжаликларда то 1935 йил

гача, яъни Навроцкий ва 8517 навларнинг ўрни-  
ни босганга қадар давом этди.

Бундан ташқари, 1925 йилнинг кузидан бош-  
лаб уруғчилик хўжаликларида Навроцкий нави  
экилган майдонни бошқа барча ўсимликлардан  
тозалаш одати киритилди. Бунда асосан, қора  
чигит ва кўк чигитларга эга бўлган ўсимликлар  
ажратиб ташланар эди. Бу ўсимликлар ўзлари-  
нинг морфологик аломатлари билан Навроцкий  
нави ўсимликларидан тамом ажралиб турар-  
дилар.

Аммо бу тадбирлар ҳам уруғлик фондининг  
тозалигини кўнгилдагидай яхшилаш олмади. Чи-  
гитларнинг ифлосланиши 40—50 процентни таш-  
кил этарди.

Шундан сўнг махсус элита уруғчилик хўжа-  
ликлари ташкил этишга қарор қилинди. Бунда  
асосий иш методи — уруғликни аждодига солиш-  
тириб, якка тартибда танлашдан иборат эди.  
Элита питомникларини барпо этиш учун 1926  
йилнинг кузида Туркистон селекция станцияси-  
нинг ходимлари Ф. М. Мауэр, М. В. Малинковс-  
кий, С. С. Канаш, Я. Д. Нағибинлар раҳбарлиги-  
да уруғлик хўжаликларида Навроцкий, 169 ва  
182 навлари бўйича якка танлаш ишлари таш-  
кил этилди. 1927 йилда ана шу йўл билан Қо-  
вунчи, Пахтали кўл, Искандар уруғчилик хўжа-  
ликларида биринчи элита питомниклари барпо  
этилди. Шу йўл билан пахтачиликда илмий жи-  
ҳатдан асосланган элита уруғчилик ишлари бош-  
лаб юборилди.

Шундай қилиб, 1927 йилнинг бошларига ке-  
либ, юқори сифатли уруғлик етиштириш ва уни  
кўпайтиришнинг асосий ячейкалари вужудга  
келди. Бироқ, селекция-уруғчилик ташкилотла-  
рининг фаолияти бир-бирлари билан боғланма-

ган бўлиб, уларнинг ишларида ягона план йўқ эди.

1929 йилда ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Ишчи-Дехқон инспекцияси Марказий Комитетининг Бош пахтачилик комитети доклади бўйича 18 июнда қабул қилинган тарихий қарор асосида Бутуниттифоқ илмий текшириш пахтачилик институти (СоюзНИХИ) ташкил этилди.

Институт ихтиёрига пахтачилик бўйича ишлайдиган барча тажриба станциялари берилди. Туркистон селекция станциясининг номи—Марказий селекция станцияси деб ўзгартирилди. Пахта уруғчилиги трести «Совхозхлопок» (Пахта совхозлари) номи билан қайта тузилди.

СоюзНИХИ (Бутун Иттифоқ илмий текшириш пахтачилик институти) ташкил этилиши муносабати билан, 1930 йилдан бошлаб селекция ишлари уруғчилик ишларидан ажратилди. Бу ишлар турли ташкилотлар ўртасида тақсимланиб, майдаланиб кетган эди. Элита уруғларини етиштириш уруғчилик хўжаликларида (кейин совхозларга айлантирилди) қолдирилиб, улар пахта совхозлари трестига айлантирилди. Уруғлик фондини тайёрлаш Ўзбекистон пахта бирлашмаси (Ўз ХО) ихтиёрида, уруғчилик контроль ишлари эса «Совхозхлопок» ихтиёрида қолдирилди.

Ўза маҳсулоти — тола ва уруғ сифатларини яхшилаш мақсадида 1932 йили муассасалараро ташкилот, яъни Давлат пахтачилик инспекцияси ташкил этилди. Бу ташкилот тола ва уруғлик чигит сифатини назорат қиларди.

Бироқ бу ташкилотнинг иши талабга жавоб бермагач, 1933 йилнинг охирига бориб тугатилди. Уруғлик чигит устидан назорат қилиш функ-

цияси республика Ер ишлари халқ комиссарлигига топширилди.

Бу ташкилот ҳам уруғлик чигит сифатини яхшилашга кескин таъсир кўрсата олмади. Негаки уруғлик чигит устидан назоратлик қилиш функцияси Ер ишлари Халқ Комиссарлигига топширилгани билан уруғчилик — контроль лабораториялари пахта заводлари ихтиёрида қолдирилган эди.

Ишнинг бундай ташкил этилиши натижасида 1934 йилнинг бошига келиб, янги навлар чиқариш ва чигитларни такрор ишлаб чиқариш учун ҳамма звенолар мавжуд бўлгани ҳолда, ғўза селекцияси-уруғчилик ишлари турли ташкилотлар ўртасида тақсимланиб-майдаланиб кетган эди. Янги навлар чиқариш Иттифоқ Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ихтиёрида, элита уруғлари етиштириш Пахта совхозлари, чигитларни кўпайтириш эса пахтачилик саноати ихтиёрида эди.

Уруғлик чигит сифати устидан контроллик қилиш қисман пахта саноати ва республика Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ихтиёрида эди.

Бунда, уруғлик чигит материалларини етиштириш плансиз олиб борилар эди. Элита уруғлари фақат совхозларда етиштирилар, уларнинг миқдори ва келажакда кўпайтирилиш планлари умумий талаб билан боғланмаган эди. Янги навларни синаш ва уларни районлаштириш ишлари селекционерлар қўлида бўлиб, бу ҳолат беҳуда ва ҳатто зарарли кўп навлиликка олиб келарди.

Якка раҳбарлиkning йўқлиги, навларнинг кўплиги, элита-уруғчилик хўжалиги тармоқларининг етишмаслиги, пахта заводларида турли нав чигитларнинг аралаштирилиб юборишнинг давом этиши уруғлик фонди сифатининг жуда

ҳам пастлашиб кетишига олиб келди. 1930 йилга келиб уруғлик фондининг сифати 47 процентгача тушиб қолди. Тола узунлиги 27 миллиметргача қисқариб тола чиқиши 1,5—2 процентгача камийиб кетди.

Партиянинг 1934 йилнинг январида чақирилган XVII съездида пахтачиликда уруғчилик ишларининг чигаллиги масаласи ҳам кўтарилди. Бу ҳол ғўза селекцияси ва уруғчилик ишларини яхшилаш учун махсус тадбирларнинг кўрилишига туртки бўлди. 1934 йилнинг баҳорида Ўзбекистонда совхозлардаги мавжуд элита хўжаликларига қўшимча равишда колхозларда ҳам элита-уруғчилик хўжаликлари ташкил этилди. СССР Халқ Комиссарлар Советининг 1934 йил 29 августдаги тарихий қарори ғўза селекцияси-уруғчилик ишларини яхшилаш ва уни планли равишда ташкил этишда алоҳида муҳим роль ўйнади.

Селекция-уруғчилик соҳасидаги барча ишларга раҳбарлик қилиш СССР Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ва республика Ер ишлари Халқ Комиссарликларига топширилган эди. Навларни синаш тармоқлари Марказий селекция станциясидан олиниб, Республика Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ихтиёрига берилган эди. Элита хўжаликларининг сони — совхозларда қўшимча равишда ташкил этилган бундай хўжаликлар ҳисобига анчагина кўпайди. Уруғчилик ишларининг қўпол схемаси соддалаштирилди — уруғчиликни ишлаб чиқаришда саккиз йил экилиш даври беш йилга келтирилди. Республика Ер ишлари Халқ Комиссарлиги ихтиёридаги пахта заводлари ёнида ташкил этилган уруғчилик лаборатория тармоқлари зарур миқдорда сараланган чигитлар билан таъмин этила бошланди. Уларни

колхоз ҳамда совхозларга тақсимлаш иши ҳам планли равишда олиб борилди.

Вўза уруғчилигини йўлга қўйиш ва уни ташкил этишда Ўзбекистоннинг уруғчи — агрономлари Н. Ф. Котов, А. Н. Шафрин, В. Г. Петров, Л. Ф. Колярова, Г. Ф. Боев, Н. А. Гуртихлар катта куч ва ижодий ғайрат сарфладилар.

Уруғчиликни қайта тузиш билан бир вақтда иккинчи нав алмаштириш ҳам ўтказилди.

Биринчи навлаштиришда иштирок этган ғўза навлари етарли даражада яхши сифатли тола бермади, айниқса, уларнинг тола узунлиги қисқа — 27—28 миллиметрдан иборат эди. Бу — тўқимачилик саноатини қаноатлантирмасди. Чунки тўқимачилик саноати 30 миллиметр ва undan ҳам узунроқ толани талаб этар эди.

Марказий селекция станцияси ва унинг Фарғона бўлими селекционерлари томонидан 1930 йилга келиб, янги селекция навлари 8517 (колхозчи), 36М2 (Пахтакор), 8196 (Ўзун), 2034 (Большевик) ва 1306 (Шредер)лар яратилди. Улар ҳосилдорлик ва тола сифатининг яхшилиги жиҳатидан революциягача бўлган навларга нисбатан катта афзалликларга эга.

1933—1937 йилларда иккинчи марта навлаштириш ўтказилди. Бунда революциягача чиқарилган навлар биринчи совет селекция навлари билан алмаштирилди.

Улардан энг ҳосилдори ва шунинг учун ҳам жуда катта ер майдонини ишғол этгани (736 минг гектар) ўрта пишар 8517 (Колхозчи) нави эди. Бу нав Туркистон селекция станциясида селекциячи С. С. Қанаш томонидан яратилди. Бу навнинг асосий афзалликлари — серҳосил, кўсаклари катта (6,5—7,0 грамм), тола узунлиги яхши (30—32 миллиметр), тола чиқиши юқори

(32—39 процент) ва ҳоказолардан иборатдир. Ҳосилдорлик жиҳатидан бу нав Навроцкий навидан 10—15 процент юқори бўлган.

**36М2 «Пахтакор» нави** — Туркистон селекция станциясининг Фарғона бўлимида селекционер П. В. Могильников томонидан яратилди. Бу нав ўрта пишар, тахминан 8517 нав кўрсаткичлари каби хусусиятга эга бўлиб, ундан 1—3 кун кеч пишар, толасида ўлик пахтаси кўп эди. Шунинг учун ҳам 36М2 нави кенг тарқала олмади ва тез вақт ичида бошқа навларга алмаштирилди.

**2304 (Большевик) нави** — Туркистон селекция станциясида академик Н. И. Вавиловдан олинган намунадан яратилган бўлиб, тез пишарлиги толасининг юқори технологик сифати билан ажралиб турарди. Аммо у етарли даражада ҳосилдор бўлмаганидан, Ўзбекистон ССРнинг фақат Тошкент ва Самарқанд областларида ҳамда Жанубий Қозоғистон областининг Мирзачўл қисмида экилиб келинган эди.

**1306 (Шредер) нави** — тез пишар, кичкина кўсакли бўлиб, Туркистон селекция станциясида Р. Р. Шредердан олинган намунадан яратилган. У СССРнинг янги пахтачилик районларида кенг тарқатилган эди. Унинг камчиликлари: толаси қисқа (26—28 миллиметр), тола чиқиш проценти паст (31—32 процент), ғўза туплари йиқилувчан.

Ўтказилган иккинчи нав алмаштириш ҳосилдорликни 12—15 процентга оширди, толанинг ўртача узунлигини 1931 йилдаги 27 миллиметрдан 1937 йилги 30,5 миллиметрга ва тола чиқишини 28,4 процентдан 33 процентга кўтарди.

Натижада 1937 йилга келиб, Совет Иттифоқи иккинчи беш йиллиқнинг охирида пахта толаси-

нинг узунлиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллади ва тўла равишда пахта мустақиллигига эришиб, чет мамлакатлардан пахта сотиб олиш заруриятидан қутулди. Пахта толасининг узайиши саноат учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Меҳнат унумдорлиги ип йигиришда 25 процент, тўқишда 35 процент ошди.

Янги навларни қайта ишлаш, уларни кўпайтиришда ва ишлаб чиқаришга киритишда элита уруғчилик хўжаликларининг селекциячи агрономларидан Н. П. Житлухина, А. И. Усольцева, А. В. Стеценко, А. К. Матвеева, М. В. Ляцкий, Е. А. Кочетковаларнинг хизматлари катта бўлди.

Улар нав авторларининг тавсияларига биноан, энг яхши уруғлик материалларини йиғиш, уларни кўпайтириш, бу навларнинг асосий сифат кўрсаткичларини анча яхшилаш устида катта ижодий ишлар олиб бордилар. Масалан, дастлабки йилларда, 8517 навининг катта камчиликларидан бири ғўза тупларининг ерга ётиб қолиши ҳисобланарди. Бу ҳол қатор ораларини ишлашни қийинлаштирар ва кўсакларнинг қисман чиришига сабаб бўларди.

Андижон область, Избоскан районидаги 8-совхознинг элита уруғчилик хўжалигида агроном Н. П. Житлухина раҳбарлигида бу навдан ўсиб чиққан ғўзаларнинг энг бақувват туплари танлаб олиниб, юқори агротехника фани ютуқлари асосида парваришлаб ўстирилди ва унинг ерга ётиб қолиш хусусияти йўқотилди. Натижада бу нав жуда тез тарқалди ва пахтанинг ялпи ҳосили ортди.

Оржоникидзе районидаги элита хўжалиги 2034 нави устида агроном А. И. Усольцева раҳбарлигида ижодий иш олиб борди. Натижада

бу нав толасининг хўжалик сифати ва технологик хусусиятлари кучли даражада яхшиланди.

Бу нав (2034 навининг) устида 4—5 йил иш олиб борилгач, унинг тола узунлиги 32—34 миллиметрдан 34—36 миллиметргача ошди. Шу билан бир вақтда тола пишиқлиги сақланиб қолгани ҳолда ингичкалиги (номери) ҳам яхшиланди.

Тола чиқиши 26,5 процентдан 30 процентгача кўтарилди.

Мана бу афзалликлар нав ҳосилдорлигининг сақланиши ва ҳатто бирмунча ортиши билан бирга қўлга киритилди.

Яхшиланган 2034 навининг ишлаб чиқаришга киритилиши, ингичка толали пахта ўрнини анча арзонга тушадиган совет узун толали пахтаси эгаллашига имконият берди.

Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги бу тип толага жуда ҳам муҳтож эди.

«Пахтали кўл» совхозида уруғчи агроном С. Н. Святославов 36М2 навнинг сифатини анча яхшилади. Бу навнинг тола узунлиги 2—3 миллиметр узайиши билан ўлик пахтаси икки баравар камайди ва метрик номери, узилиш узунлиги каби технологик хоссалари ҳам яхшиланди.

Ўша даврларда (ўттизинчи йилларда) республиканинг Жанубий районларида узун толали пахта — госсипиум барбаданзе нави ўзлаштирилди. Авваллари Мисрдан келтирилган оригинал навлар: **Сакеляридис**, **Пима**, **Маарад**, **Ашмунни**, **Фуодий** ва бошқа навлар экиларди. Кейинлари, ўттизинчи йилнинг охирларига келиб, бу оригинал навлар совет селекцияси яратган 2ИЗ, 35—1 ва бошқа типлар билан алмаштирилди. Бу совет навлари Миср навларидан 20—30 процент ҳосилдорлиги билан фарқ қиларди. Совет ингич-

ка толали навларининг тола сифати миср нави толасидан ёмон эмас эди.

Бироқ иккинчи нав алмаштиришда иштирок этган 8517, 2034 ва бошқа навлар кенг ишлаб чиқаришга берилганда ғўза туплари вертицил-лиоз вилт касаллиги билан кучли даражада оғ-риши маълум бўлди. Шу билан бир вақтда ингичка толали навларнинг ғўзалари фузариоз вильти билан ҳам оғриди.

СССР Халқ Комиссарлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети 1939 йил 22 декабрда «Ўз-бекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш чоралари ҳақида»ги қарорларида селекционер ва уруғчи илмий ходимлар олдига юқори ҳосил-ли, вилт касаллигига чидамли, узун толали ва тола чиқиши юксак бўлган навлар яратиш вазифасини қўйдилар.

Бу вазифаларни Марказий селекция станция-си 1940 йилдаёқ бажарди, бир нечта вилтга чи-дамли, ўзимизда етиштирилган, янги комплекс хусусиятларга эга бўлган навларни, масалан: С-460, С-450, 18819, 1306 ДВ ва бошқа навларни кўпайтиришга берди. Марказий селекция стан-циясининг селекционери С. С. Қанаш томонидан етиштирилган С-460 нави ҳосилдорлик ва техно-логик сифатлари жиҳатидан энг яхши нав бўлиб чиқди. Давлат нав синаш ташкилотининг маълу-мотларига қараганда, бу навнинг умумий ҳосили 8517 навига нисбатан 15—20 процент, толаси бўйича 20—22 процент ортиқдир. Бундан ташқар-ри С-460 нави вилт касаллигига чидамли, толаси технологик жиҳатдан юқори (узунлиги 32—33 миллиметр), тола чиқишининг (39—40 процент) кўп бўлиши билан ажралиб турар эди.

Вилт касаллиги билан кучли даражада оғ-рийдиган 2034 ва 8196 навлари ўрнига бу касал-

ликка нисбатан чидамли 18819 нави етиштирилди. Бу нав С. С. Қанаш томонидан етиштирилиб, ҳосили юқоридаги навларга нисбатан 10—15 процент ортиқ эди.

Худди мана шу вақтда Қорақалпоғистон АССРда вилтга чидамсиз бўлган 1306 (Шредер) нави ўрнига 1306 ДВ нави тарқатилди.

Бу нав Пахтаорол элита хўжалигида И. К. Таржимонов томонидан яратилган бўлиб, вилтга жуда ҳам чидамли, кўсаклари йирик (олдингисига нисбатан 1,0—1,5 грамм огирроқ), серҳосил ва тола сифати ҳам яхши эди.

Шундай қилиб Улуғ Ватан уруши йилларида (1941 йилдан 1945 йилгача) учинчи нав алмаштириш ўтказилди.

Вилтга нисбий чидамли навларнинг экилиши фўзаларнинг вилт билан касалланишини кескин камайтирди. Бу умумий пахта ҳосилининг ортишига сабаб бўлди. Шу билан бир вақтда пахта толасининг ўртача узунлиги 30,5 миллиметрдан 32,5 миллиметргача, тола чиқиши 33,0 процентдан 35,5 процентгача ортди.

С-460 навини такомиллаштириш, кўпайтириш ва сифатини яхшилаш устида уруғчи-агроном Е. И. Аркатова раҳбарлигида 8-совхознинг элита хўжалиги (Андижон область Избоскан районида) катта ижодий ишлар олиб борди.

С-460 нави бу жойда тамом қайта ишланди. Натижада тола узунлиги ва бошқа технология хусусиятлари жуда ҳам яхшиланди. Фузарноз вилт қасаллигига чидамсиз ингичка толали навлар ўрнига 10964, 2850, 2836 навлари етиштирилиб, ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинди. Бу навларнинг ҳар учаласи ҳам Марказий селекция станциясида селекционер А. И. Автономов томонидан яратилди ва Қизилровот совхозининг

элита хўжалигида селекционер агрономлар — М. В. Ляцкий ва Е. А. Кочетковалар томонидан қайта ишланиб, яхшиланди.

Бў навлар фузариоз вилтга қарши чидамли, тола сифати ва ҳосилдорлиги жиҳатидан ўзидан олдинги 35-1 навидан анча юқори турарди.

С-460 нави катта майдонларга экилганда унинг кеч пишарлиги маълум бўлди. Бу ҳол, ҳосилнинг ҳаммасини териб олишга имконият бермас ва тола сифатининг жуда ҳам пасайишига сабаб бўлар эди.

Фарғона тажриба станциясида (ҳозирги Андижон тажриба станцияси) селекционер Л. В. Румшевич томонидан янги, жуда эрта пишар 108Ф нави яратилди, бу нав С-460 навининг ўрнини босди. Шу билан бир вақтда С. Н. Свято-славов ва Е. Т. Прасоловалар марказий селекция станциясидан олинган 450 номерли уруғлик материалдан янги С-450—555 навини яратдилар. (Селекционер С. Қанаш яратган) юқоридаги янги навлар ўтган даврнинг асосий С-460 навидан 3—10 кун тез пишарлиги, ҳосилдорлигининг 5 процент ортиқлиги, вилт касаллигига чидамлилиги билан фарқланарди.

108Ф ва С-450—555 навлари 1946 йилдан 1952 йилгача ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, тўртинчи нав алмаштириш ўтказилди.

Бундай нав алмаштириш натижасида пахта ҳосили 5—10 процент (айниқса, биринчи нав пахта) ошди ва тола сифати анчагина яхшиланди. Бирмунча кейинроқ, эллагинчи йилларнинг бошларида эса (1951 йил) ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун 138Ф нави тарқатилди. Бу нав Андижон область қишлоқ хўжалик тажриба станцияси селекционерлари Л. В. Румшевич ва Н. А. Топушевлар томонидан яратилди.

Бу нав тўртинчи алмаштиришдаги навлардан толасининг узунлиги (34—36 миллиметр) билан фарқ қиларди. Аммо бу нав тола пишиқлигининг пастлиги унинг асосий камчилиги ҳисобланади.

Тўртинчи нав алмаштиришда 108Ф нави алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги вақтда у Совет Иттифоқининг барча пахтакор республикаларида экилиб, умумий пахта майдонининг 70 процентдан кўпроқ қисмини ишғол этади (1965 йилгача).

108Ф нави тарқатилишининг биринчи даврларида жуда катта камчиликларга эга эди. Масалан, тола пишиқлиги кам (4,5—4,6 грамм), ғўза туплари жуда ётиб қолар, кўсак чаноқларида етилмаган пахталар кўп бўлар эди. Буларнинг ҳаммаси пахта ҳосилини ва сифатини пасайтириб юборарди.


Тошкент область Оққўрғон районидаги 16-совхоз элита уруғчилик хўжалигида уруғчи-агроном А. В. Стеценко раҳбарлигида катта ижодий иш олиб борилиши натижасида юқорида кўрсатилган камчиликлар асосан йўқотилди. Биринчи сорт пахта толасининг пишиқлиги 4,7—4,9 граммга кўтарилди, ғўза тупларининг ётиб қолиши камайди, пахталарнинг чаноқларда етилмай қолиши деярли йўқолди.

Эллагинчи йилларнинг охири ва олтмишинчи йилларнинг бошига келиб бир қатор ғўза навлари районлаштирилди. Булар — тезпишар КК-1083, узун толали 149Ф, тезпишар, йирик кўсакли С-4727, чигити табиий равишда яланғочланган 153 Ф, вилт касаллигига жуда ҳам чидамли 152Ф ва узун толали 133 навлари эди.

Ингичка толали навлардан, эллагинчи йилларнинг бошига келиб юқори ҳосилли 5904-И ва 5976-И навлари районлаштирилди.

Эллагинчи йилларнинг охирида юқори сифатли С-6002 нави районлаштирилди.

Юқорида кўрсатилган навларнинг бир қисми ишлаб чиқаришдан олиниб, 1967 йили Ўзбекис-



1-расм. 108Ф нави.

тонда районлаштирилган 9 та нав экила бошланди. Булардан 7 таси — 108Ф, 138Ф, 149Ф, 153Ф, С-4727, 152Ф, 133 совет ўрта толали навлар ва 2 таси: 5904-И ва С-6002 лар совет ингичка толали навларидир.


Совет ўрта толали навлари қуйидаги хусусиятлари билан характерланадилар.

**108Ф нави Фарғона** (ҳозирги Андижон) тажриба станциясида Л. В. Румшевич томонидан яратилиб, 1947 йили районлаштирилган (1-рasm). Ҳосилдорлик жиҳатидан бу нав бошқа барча навлардан юқори туради. Биринчи кўсаклари чигит экилгандан кейин ўртача 145 кунда пишади. Тупи ихчам, шохлари ўртача узунликда бўлиб кам тукланган. Кўсаги йирик, тухумсимон, устида юлдузга ўхшаш шакли бор; битта кўсагидаги пахта 6,5—7,5 грамм; тола чиқиши 35—37 процент, яхши сифатли узун—31—32 мм толага эга, вилт касаллигига қарши нисбий чидамли. Унинг асосий камчилиги тупининг ётиб қолишга мойиллиги ва тола чиқишининг нисбий пастлигидир.

**138Ф нави ҳам Фарғона** (ҳозир Андижон) тажриба станцияси селекционерлари Л. В. Румшевич ва Н. А. Топушевлар томонидан яратилган. 1952 йили районлаштирилган. Толаси ингичка ва узун, аммо пишиқлиги паст. 108Ф сортига нисбатан 2—3 кун кеч пишади. Тупи пирамидасимон, мева шохлари ўртача узунликда, 108Ф навига ўхшаб оз тукланган. Кўсаклари йирик, пирамидасимон, битта кўсакдаги пахтаси 108Ф навиники сингари 6,5—7,5 грамм, тола чиқиши 108Ф навидан 1 процент кўпроқ. Тола узунлиги 34—36 миллиметр. Толаси узун ва ингичка бўлишига қарамасдан пишиқлиги паст бўлганидан 108Ф нави толаси сингари фойдаланилади.

**149Ф нави ҳам Фарғона** (ҳозирги Андижон) тажриба станциясида селекционерлар Л. А. Туркс ва А. Я. Бутковалар томонидан яратилиб, 1960 йили районлаштирилган. Бошқа совет ўрта толали навларидан толасининг технологик сифати яхшилиги билан фарқ қилади. 108Ф навига нисбатан 2—3 кун тез пишади. Тупи пирамидасимон, мева шохлари ўртача узунликда, кучли

даражада тукланган. Кўсаги йирик ва юмалоқ, битта кўсак оғирлиги 108Ф навидан бир оз, яъни 0,2 грамм кўпроқ, тола чиқиши 108Ф навиға яқин




2-расм. 153Ф нави

ёки бир оз (0,1—0,2 процент) ортиқ. Тола узунлиги 34—35 миллиметр бўлиб, 138Ф навидан бир оз қисқа ва йўғонроқ, аммо пишиқ, шунинг учун ҳам жуда қимматли ҳисобланади.

153Ф нави ҳам Андижон тажриба станциясида селекционерлар Л. А. Туркс, А. Я. Бутковалар томонидан яратилиб, 1964 йилда районлаштирил-

ган (2-расм). Бу нав бошқа барча совет навларидан чигитининг яланғоч — туксизлиги билан ажралади. 108Ф навга нисбатан бир оз, яъни—1—2 кун кеч пишар. Ғўза тупи ихчам, мева шохлари



3-расм. С-4727 нави

ўртача узунликда, оз тукланган, кўсаги юмалоқ, бир кўсагдаги пахта оғирлиги 108Ф навига қараганда 0,5—1,0 грамм кам, тола чиқиши 4—5 процент кўп, тола узунлиги 108Ф навига тенг. Бу навнинг камчилиги толасининг дағаллигидир, бу унинг технологик сифатини анча ёмоялаштиради.

**С-4727 нави** — тез пишар, кўсаклари йирик-дир. Бу нав Пахта селекцияси ва уруғчилиги институтида селекционерлар Б. П. Страумал, А. И. Тишинлар томонидан яратилган бўлиб, 1961 йили районлаштирилган (3-расм).

Бу нав, тез пишарлиги ва кўсагининг катталиги билан ажралиб туради; 108Ф навидан 6—8 кун эрта пишади.


Ўза тупи пирамидасимон, унча бақувват эмас, мева шохлари калта, тукланиши 108Ф навидан кўпроқ; бир кўсакдаги пахтаси 108Ф нави-га нисбатан бир оз (10,2 грамм) кам. Тола чиқи-ши 108Ф навидан 2—3 процент кўп, тола узунли-ги 108Ф нав сингари. Вилт касаллиги билан 108Ф навига қараганда кучлироқ зарарланади. С-4727 навининг асосий камчилиги унинг кўпроқ вилт билан касалланишидир.

**152Ф нави** — Андижон тажриба станцияси селекционерлари Л. А. Туркс, А. Я. Бутковалар томонидан яратилди. Бу нав 108Ф навидан тола чиқишининг кўплиги ва толасининг анча узунлиги вилт касаллигига қарши анча чидам-лилиги билан фарқ қилади. Аммо, 108Ф навига қараганда 2—4 кун кеч пишар ҳисобланади.

**133 нави** — 8-совхознинг элита-уруғчилик хўжалигида уруғчи агроном Е. И. Аркатова то-монидан яратилган бўлиб, у толасининг техноло-гик сифати билан диққатга сазовордир. Бу жи-ҳатдан у ингичка толали 5904-И навидан қолиш-майди, ҳосилдорлиги эса ундан 20—30 процент ортиқдир.

Ингичка толали навлардан энг кўп тарқалга-ни 5904-И навидир. Бу нав Туркменистон ССР-даги Иолотан тажриба станциясида селекционер К. И. Цинда томонидан яратилиб, 1953 йили районлаштирилди (4-расм). 5904-И нави бошқа

ингичка толали навлардан мева шохларининг йўқлиги билан фарқ қилади. Ингичка толали навлар ичида энг тез пишарлардан бири ҳисобланиб, 108Ф навидан 5—7 кунгина кеч пишади.



4-расм. 5904-И нави


Ғўза туни устунсимон, мева шохлари деярли ривожланмайди, пояси ва шохлари яланғоч.

Қўсаги овал — юмалоқ шаклда, битта қўсагдаги пахта оғирлиги 3,2—3,7 грамм, 108Ф навига нисбатан майда бўлиб, ундан 2,5 грамм камдир.

Тола чиқиши 34—35 процент бўлиб, 108Ф навига нисбатан 1,5 процент оздир.

Тола узунлиги 34—36 миллиметр, толасининг бошқа технологик сифатлари юқоридир. Фузариоз вилтига қарши чидамлилиги ўртачадир.

**С-6002 нави** — Пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги институтида селекционерлар А. И.



5-расм. С-6002 нави

Автоном, Ю. П. Хуторнойлар томонидан яратилиб, 1958 йили районлаштирилган (5-расм). 5904-И навига нисбатан 2 кун кеч пишади.

Вза тупи устунсимон, мева шохлари узун, тупи ва шохлари туксиз. Қўсаги тухумсимон-юмалоқ, битта қўсагидаги пахтасининг оғирлиги ва тола чиқishi 5904-И навиники сингаридир.

Толасининг узунлиги 38—40 миллиметр, қолган бошқа технологик хусусиятлари 5904-И навиники сингаридир. Ингичка толали навлар ичида фузариоз вилтига қарши чидамли навлардан бири ҳисобланади. Ер таги сувлари юза ерларда макроспориоз (қора чириш) касаллиги билан кучли даражада оғрийди. Шунинг учун ҳам ун ер таги сувлари чуқур ётган қуруқ тупроқли ерларгагина экилади.

Юқорида синаб ўтилган, ҳозир районлаштирилган навлардан ташқари республика селекционерлари томонидан кўпгина янги навлар яратилган бўлиб, улардан баъзилари алоҳида аҳамиятга эгадирлар. Масалан, пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги институтида чиқарилган С-1759 нави кўп тола чиқиши (108Ф навига нисбатан 6—8 процент кўп), 108Ф навидан 2—4 кун тез пишиши билан фарқ қилади. Аммо кўсаги ундан 0,8—0,9 грамм кичикдир.

**С-3506** нави ҳам Селекция ва уруғчилик институтида яратилган бўлиб, 108Ф навига нисбатан 8—12 кун эрта пишарлиги билан хактерланади. Аммо 108Ф навига қараганда кўсаги 2—2,5 грамм кичикдир.

Селекция-уруғчилик ишлари ривожланишининг бу қисқача тавсифидан, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлигида совет пахтачилиги 50 йил ичида селекция ва уруғчилик соҳасида жуда ҳам катта ижодий йўл босиб ўтилганлиги ва натижада катта муваффақиятларга эришилганлиги кўриниб турибди. Бунинг натижасида қуйидаги звеноларни ўз ичига олган ягона тўғри система вужудга келди:

1. Илмий текшириш селекция станциялари.
2. Янги навларни кенг ишлаб чиқаришга бер-

масдан олдин кўпайтирувчи элита-уруғчилик хўжаликлари.

3. Давлат нав синаш тармоқлари.

4. Районлаштирилган навлар уруғини такрор ишлаб чиқарадиган элита-уруғчилик хўжаликлари.

5. Иккинчи ва учинчи репродукция уруғлик чигитларни такрор ишлаб чиқарадиган уруғчилик хўжаликлари тармоқлари.

6. Пахта уруғчилиги лабораториялари.

7. Республика уруғчилик ва Марказий контроль-уруғчилик станцияси.

Бу звеноларнинг барча ишлари ўзаро бир-бирлари билан мустаҳкам боғланган ва дунёда энг яхши навлар яратиш, уларни синаш ва юқори сифатли чигитларни кўпайтириб пахтадан юқори ҳосил олишга йўналтирилгандир.

Пахта селекцияси ва уруғчилигининг бутун системаси устида ягона планли раҳбарлик қилиниши натижасида 50 йил мобайнида Совет пахтачилиги соҳасида тўрт марта нав алмаштириш ўтказилди ва 1966 йили бешинчи нав алмаштиришни ўтказиш белгиланди.

Мана шу давр ичида кўсакларнинг ўртача йириклиги 1941 йилги 4,5 граммдан 1966 йили 6,5 граммга кўтарилди. Тола чиқиши 30 процентдан 35 процентгача ошди, тола узунлиги 26—27 миллиметрдан 32 миллиметрга узайди.

Фақат кўсакларнинг катталашиши ҳисобигагина пахтанинг умумий ҳосили 25—30 процент ошди.

Нав алмаштириш билан бир вақтда уруғлик материалларнинг (уруғлик чигитининг) сифати ҳам кўтарилди. Ҳозир 90 процентдан кўп пахта юқори сифатли уруғлик чигитлар билан экилади,

уларнинг униб чиқиш қобилияти 90 процент ва  
ундан ҳам юқоридир, нав тозалиги ўртача 97—  
98 процентдир.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг халқ хў-  
жалиги турли-туман тўқув ва техникавий буюм-  
лар ишлаб чиқаришда Ватанимизда етиштирила-  
диган пахта толалари билан тўла-тўқис таъмин-  
лангандир.

---

*На узбекском языке*

А. ШАФРИН, З. МАКСУДОВ, Ф. БАБАДЖАНОВ

КРАТКАЯ ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ  
СЕЛЕКЦИОННО-СЕМЕНОВОДЧЕСКОЙ РАБОТЫ С ХЛОПКОМ

Объединенное издательство  
ЦК Компартии Узбекистана  
Ташкент—1968

Таржимон У. Муҳамедов  
Техредактор В. Зубовская

Редактор Н. Рихснев  
Корректор Ф. Шахмаева

Теришга берилди 3/X 1967 й. Босишга рухсат этилди 2/II 1968 й. Қогоз  
формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,68.

Нашриёт ҳисоб листи 1,14. Тиражи 11960. Нашр № 387.

Р. 02197. Заказ № 5004. Баҳоси 4 тийин.

---

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг  
босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, уй № 26.